

# Ширк оқибатининг оғирлиги | Ақийда дарслари (283-дарс)



19:00 / 24 июнь 412

Ширкнинг оқибати нақадар оғирлигини англаб етиш учун ушбу оятларни эслаб ўтишнинг ўзи кифоя:

يَشَاءُ لِمَنْ ذَلِكَ دُونَ مَا وَيَغْرِبُ بِهِ يُشْرِكَ أَنْ يَغْفِرُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُ

Аллоҳ таоло:

«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқани Ўзи хоҳлаган кишидан кечирадир», деган (Нисо сураси, 48-оят).

أَنَّا رُ وَمَا وَلَهُ الْجَنَّةَ عَلَيْهِ اللَّهُ حَرَمَ فَقَدْ بِاللَّهِ يُشْرِكَ مَنْ إِنَّهُ

Ва яна:

**«Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва унинг жойи оловдир. Ва золимларга ҳеч қандай нусрат берувчилар йўқдир»,** деган (*Моида сураси, 72-оят*).

**Ширк улкан зулмдир.**

Аллоҳ солих банда Луқмон тилидан деган:

١٢

عَظِيمٌ لَظُلْمُ الشَّرْكَ إِنَّمَا بِاللَّهِ تُشْرِكُ لَا يَبْنَى

**«Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирма. Албатта, ширк катта зулмдир»** (*Луқмон сураси, 13-оят*).

Мушрик дунёдаги энг разил одамдир.

بَعْدَ الْحَرَامَ الْمَسْجِدَ يَقْرَبُوا فَلَا نَجْسُ الْمُشْرِكُونَ إِنَّمَا

هَذَا عَمَّا مِنْ

Аллоҳ таоло:

**«Албатта, мушриклар нажасдирлар, бас, ушбу йилларидан кейин Масжидул Ҳаромга яқин келмасинлар»,** деган (*Тавба сураси, 28-оят*).

**Ширк ҳеч кимдан кечирилмайди.**

الْخَسِيرِينَ مِنَ وَلَتَكُونَنَّ عَمْلَكَ لَيَحْبَطَنَّ أَشْرَكَتَ لَهُنَّ

Аллоҳ таоло:

**«Агар ширк келтирсанг, албатта, амалинг беҳуда кетур ва албатта, зиён кўрувчилардан бўлурсан»,** деган (Зумар сураси, 65-оят).

**Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли холосаси асосида чоп этилган.